

МУАЛЛИФЛАРИМИЗНИ ТАНИШТИРАМИЗ



Тарихшunos Абдул
ахал Мухаммаджонов

мозийни ўрганиш бўйи-
ча салмоқли вазифаларни
бажармоқда. У Тош-
кент Давлат универ-
ситетининг Шарф факул-
тетини тугатиб, Абу
Рахмон Берауний номи-
даги Шарушнослик
институтининг аспиран-
турасида ўқиди. 1955
йилда кандидатлик,
1973 йилда докторлик

диссертациясини ёзди-
ди. Абдулаҳад Мухам-
маджонов машҳур та-
рихчи Яҳё Ғуломовнинг
айнан шогирди сифати-
да у билан Бухоро, Фар-
ғона ва Тошкентда
олиб борилган археоло-
гик экспедицияларда
қатнашди. У «Бухоро
билан Россия муноса-
батлари» доир манба-

ди. «Зарафшон дарё-
си қўйи оқимининг су-
ғориш тарихи» каби
бир қатор монография-
ларни яратган. «Самар-
қанд тарихи» ва тўрт
томлик «Ўзбекистон
ирригациясида асар-
нинг I ва III томлари-
нинг муаллифларидан
бири бўлган.



чуқурлиги 0,5—1
метр, узунлиги 2,5—3,5
метр, эриш 2—3,5
метр, овал, думалоқ,
тўртбurchак ва квадрат-
шаклидаги ярим ертў-
лалардан иборат бўлиб,
ўз вақтида, шубҳасиз
уларнинг девор ва том-
лари поялардан бино
қилинган, усти қамиш
билан ёпишган. Ярим
ертўла шаклидаги бу
турар жойларнинг ай-
римлари икки хонали
бўлиб, хоналарнинг би-
ридан иккинчисига
ариқчалар шаклида
ковланган йўлакчалар
орқали кирилган. Ярим
ертўла чайлаларнинг
ичи ва атрофларидан
минглаб сопол идиш
бўлаклари, ер ўчоқ,
ерма тошлар, ховонча
дасгачалари, жездан
ясалган ўроқчалар, уч
паракли ва зугатили
камон ўқларнинг жез
пайишлари топилиди.
Сопол идишлар асосан
хурмача, тоғорача, то-
ва, қозон ва турли хил-
да идишлар идишлар
дан иборат бўлиб, ости
думалоқ қилиб кўла
ясалган. Идишларнинг
кўпининг ичиде дағал-
роқ матонинг илазори
бор. Бу илазори Тошкент
аҳолисининг энг қадимги
қўлоқлари чархдан ҳали
фойдаланишга ўт-
май, сопол идишлар
ясаида матодан тигил-
ган халта қопилари
кеч ишлатилганлардан
гувоҳлик беради. Баъ-
зи сопол идишларнинг
ешиқ қисми қизил ран-
глик чўчирма нақшлар
билан безатилган. Чай-
ла ичи ва ташқариси-
да жойлашган дон ўра-
лар, жездан ясалган
ўроқлар, ерўчоқ, ерма
тошлар ва ховонча
дасгачаларнинг кўплаб
топилиши бурганлик
ибтидоий деҳқончилик
иқтисодий ҳаётининг
қўпроқ бошқилиги
ўсимликлар етиштири-
лган далолат беради.

лари Жанубий Қозо-
ғистонда — Тегисент,
Қорақалпоғистонда —
Тозабог'ёб, Фағона
водийида — Водил ва
Қайроққумда, Зараф-
шон водийида — Му-
минобод қишлоғи ва
Қорақўл району яқини-
да топиб тегирилди.
Улар чорбурчак шак-
лида қурилган ярим ер-
тўла чайлаларда исти-
комат қилиб, қўй, э-
чки, қорамол ва йилқи-
лар боққанлар. Археоло-
гик ёдгорликлардан
топишган турли хил
ашёвий обидаларга қара-
ганда, Тошкентнинг
қадимги даштлик чор-
вадорлари ўзининг тур-
муш тарзи — хўжали-
ги, маданияти, урф-ода-
ти, ҳатто ташқи киёфа-
си ниҳатдан ўрта
Осиё ва Жанубий Қоз-
ғистоннинг даштлик
зоначида чорвачилик
билан кун кечирган қа-
билалар билан жуда
яқин ва ўхшаш бўлган.

II. Бурганликдаги ибтидоий деҳқончилик

Тошкентнинг жану-
биде Чирчиқ ва Охан-
гарон водийларининг
қўйи қисмида топиб
ўрғанилган бир қанча
археологик ёдгорлик-
ларнинг гувоҳлик бери-
шича, миолдан аввалги
II минг йилликнинг
охир ва I минг йил-
ликнинг бошларида қа-
димги чорвадор қаби-
лаларнинг бир қисми
Ўзбекистон, деҳқончи-
лик билан шугуллана
бошлаган. Ҳали суру-
рча деҳқончилик ва ир-
ригайли ишчиликлар
бино қилиниши мутлақо
билмаган ибтидоий деҳ-
қонлар, гарчи дарёнинг
асосий оқимида сув
боғлаб олишга қўриб
кемаган бўлса-да,
лекин дарё тошқинла-
ридан, адирлардан ке-
лган сел сувлардан ҳо-
сил бўлган ирмоқлар
бўйида, бузқонларнинг
сизот сувлари оқави-
дан ҳосил бўлган та-
биий захоб ерларда
деҳқончилик қилиш
улар учун жуда қулай
эди.

Тошкентнинг ибти-
доий деҳқонлари яшаган
энг қадимги турар жой
қолдиқлари даставвал
1940 йилда археолог
А. И. Тереножко то-
монидан, Тошкентдан
30 километр жанубда,
Бурганлик сойи ёқиси-
да топиб ўрғанилди. Бу
ёдгорликлар тарих фа-
нига «Бурганликнинг
ибтидоий деҳқончилик
маданияти» номи би-
лан кирди.

1974—1977 йиллар-
да археолог Ю. Ф. Бу-
ряков раҳбарлигидаги
Шош-Илоқ археологик
отряд томонидан Охан-
гарон водийсининг қў-
йи қисмида Туябўғуз
суви оёмири — ҳозирги
«Тошкент денгизи»
яқинида 50 дан ортиқ
ибтидоий деҳқонлар-
нинг турар жой қол-
диқлари топиб ўр-
ғанилди. Бурганликнинг
соа тузроқли сўл қир-
ғонининг баланд дўн-
гликлари ён бағрига
жойлашган бу ибтидоий
деҳқон турар жойлари

Абдулаҳад
МУХАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР
Фанлар академиясининг
Археология институтининг
директори, тарих
фанлари доктори.

1. Бурганликдан то-
пишган жез ўроқ (милод-
дан олдинги IX—VII аср-
лар).

2. Сопол идиш пар-
часи. (Милоддан олдин-
ги топилиди).

Шоштепа, археологик
қазилар, [умумий кў-
риниш].



ТАСС ВА АПН
МУХБИРЛАРИ
ХАБАР
ҚИЛАДИЛАР

Ленин ҳақида телеспектакль

Вьетнам Социали-
стик Республикаси Мар-
казий телевидениеси
Совет драматурги Ми-
хаил Шатровнинг «Ки-
зил йилловати» янги
тўлпорлар» пьесаси бў-
йича яратилган теле-
спектаклини яқинда
этаклади. В. И. Ленин
нинг бир қулиқ ҳаёти
тарихига бағишланган
бу асар Вьетнам ре-
жиссёрлари ва актёр-
лари томонидан заъв
ва шавқ билан яратил-
ди. Таниқчилар ўз
навбатида телеспек-
такль ижодкорлари
Ленин таваққули ва
идеясининг ақалли-
ги, ленинча иш этили-
ши ва унинг тарихий оп-
тимизми, Совет давла-
ти ташкилотчилигининг
ёш авлодга муносаба-
ти масалаларини то-
мошбинларга аъло да-
ражада етказиб олган-
ликлари тасдиқлаб
ўтишди.

Ленин ролини бун-
дан илгари Марказий
драма театрида «Мил-
тиқли киши» ва
«Кремль курантлари»
спектаклларида дохир
ролини ўйнаган таниқ-
ли Вьетнам актёри
Мань Линь бажарди.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

БУДАПЕШТ. Вен-
гриянинг энг катта са-
ноат — марказларида
бири Дебрецен шаҳри-
ни ривожлантириш бош
плани тасдиқланди.
Планини ишлаб чиқиш-
да архитекторлар, ин-
женерлар, агроф
муҳити муҳофазаси қилиш
муҳассислари ва эко-
номистларига эмас,
шу билан бирга шаҳар
жамоатчилигининг на-
мояндалари ҳам қат-
нашдилар.

Шу ҳужжатга кўра,
Дебреценда уй-жой би-
нолари анча кенгай-
тирилади. Чунки де-
мографларнинг тахмин-
ча 2 минггача йилга
бориб, бу шаҳар
аҳолиси 270 минг
кишига етаси. Ша-
ҳарда янги катта дам
олиш марказлари бар-
по этилади. Қўлама-
зор майдонлар жами
минг гектарга кенгай-
тирилади. Шаҳарни
обodonлаштиришда жа-
моатчилик асосида
Дебрецен аҳолиси ҳам
фаол қатнашади.

ДЕХЛИ. Ҳиндистон
пойтахти жанубидеги
чекка районлардан би-
ри — Басант Лок деган
жой бўлиб бу йил
муқаддам кўрмесиз чў-
ли бибон эди. Бино-
корлар бу ерга келга-
нидан кейин эса район
таниб бўлмайдиган да-
ражада ўзгарди. Бу ер-
да ўнлаб уч ва тўрт
қаватли уй-жой бино-
лари, магазинлар, мак-
таблар қад кўтарди.
Кўчалар кўнаклар-
лаштирилди.


Басант Лок кейинги
йилларда Деҳлида қу-
рилган янги ўнлаб
микрорайонлардан би-
ри ҳисобланади. Ша-
ҳар ҳокими ўринбосари
Х. Кханнинг айтишича,
Деҳлини ривожланти-
риш бошқармаси 1983
— 1984 молия йилида
уй-жой қурилишининг
катта программасини
тузиб чиққан. Бу про-
граммани амалга оши-
ришда шаҳарлараро

Ижодий алоқалар мустақамланаяпти

Йил сайин Германия
Демократик Респу-
бликаси драма ва
музыкали театрлари ре-
пертуарларидан қан-
дош социалистик мам-
лакатларнинг таниқли
драматурглари ва ком-
позиторларининг асар-
лари кўплаб ўрин
оляпти. Республика-
нинг турли шаҳарлари-
да пайдо бўлаётган
театр афшалаарида
совет авторлари М.
Горький, Е. Шварц,
С. Маршак, А. Арбу-
зов, В. Розов, А. Вам-
пилов, А. Гельман,
М. Шатров ва шунга
ўхшаш ўнлаб таниқли

номлари учратиш
СССР ва ГДР
орасида маданий ало-
қаларни мустақам-
лаш ишида ижодий
фикр алмашулар, дра-
ма ва музыка коллек-
тивларининг ўзаро га-
стурлари катта роль
ўйнамоқда. Масалан,
М. Ермолова номи
Москва театри ва Маг-
дебург драма театри,
Берлиндаги «Комис-
о пер» ва Станислав-
ский ҳамда Немирови-
чаник Данченко номи Мос-
ква музыкали театри
ўртасида ижодий ало-
қаларни айтиб ўтиш

Шунингдек,
Эрфурт ва Калуга
Ростов ва Рига, Пост-
дам ва Тарту, Лейпциг
ва Киев, Дрезден ва
Ленинград театрлари
орасида ижодий ало-
қалар ҳам йил сайин
кеч қўлоқ ёмоқда.
Бу йил ГДРлик то-
мошбинлар совет ав-
торларининг пьесалари
асосида яратилган ўн
премьерани томоша қи-
лишга муваффақ бўла-
дилар. Улар орасида
Александр Саннинг
Карл Маркс туғиси-
даги пьесаси ҳам ўрин
олган.



Гўзал Венецияни ўнлаб каналлар кесиб ўтган.
Ҳар йили бу ерга 3 миллионга яқин турист ке-
лади. Бирок, бу гўзал шаҳар аста-секин бўлса-да,
муттасил денгизга чўкиб бормоқда. Мутахассис-
ларнинг айтишича, агар шовишлик чоралар кў-
рилмаса, 2040 йилга бориб, шаҳарда ҳаёт кечи-
риш мумкин бўлмаг қопари.

СУРАТДА: мана шундай тор каналга аранг
иккита қийқича сигади, холос.

Е. Бабенко фотоси. (ТАСС).

Ўғри эмас, полициячилар

Рим марказидаги
заргарлик магазини-
нинг ўғ ўтмас ойнаси
га енгил ўтасида зарб
билан келиб ўрилган-
да магазини оғаси на-
батдаги ўғрили бўлса
керан, деб ўзини йўқо-
тиб қўйди.
Лекин у бекорга чў-
чиган экан. Автомо-
биль рулида полиция-
чилар ўтиришган эди.
Шўринг қўруғур поли-
циячилар рулни бошқа-
р олмай келиб-келиб
заргарлик магазининг
машинани уриб оли-
шгн.

КУРОРТ- ҚАМОҚ

Йокоусуна шаҳри
чеккасида бир қанча
хона бор. Уни японлар
«дам олиш уйи» деб
аташади, америкаликлар
ҳарбийлар курорти де-
йишади. Ҳаникатан
ҳам бу ер қанқохона
эмас, худди курорт-
нинг ўғинаси. Қамал-
ганлар уч маҳал онг
эўр таомлар билан ов-
қатланишади. Музыка
эшитишади, кино кўри-
шади Ҳаммаёқ до-
дарахт ва гулзор,
Хўш, бу ерга кимлар
қамалади? АҚШ ҳар-
бий базаларида қон-
дан бузган ёки баъдан
ташқарида жиноий иш
қилган америкалик сол-
датлар қамалади.

СОДИР БЎЛМАГАН ЖИНОЯТ

Италиянинг Пале-
рмо шаҳрида 28
ёшли Эмиллио Импа-
ла ва унинг ҳамтовоғи
Иузеппа Абата банки
Ўғирламоқчи бўлиб ке-
лишганда бунга бош-
лиқлик қилган бунга
долол полициячи ўқиб
борарди. Улар ўз жи-
ноий ишларини ошқо-
ра қилмаслик учун
дарҳол газета ўқий-
тишди. Бирок ўғри-
лар саводчилиги ту-
файли газетани теска-
ри ўқийди. Полиция
хўшриқ қилди. Ўғ-
рилар қўлга тушди.

ТЎЛАНМАГАН ЖАРИМА

Токио шаҳрининг
четида Йокота деган
қишлоқча бор. Бунда
604 нафар аҳоли яшай-
ди. Қизинг шундаки,
ана шу ерда АҚШ
ҳарбий ҳаво ба-
заси ҳам жойлашган.
Қишлоқ аҳолиси яқин-
да ана шу база бош-
лиқларини сугла бериб
1737 миллион йена (6,
8 миллион доллар) ун-
дириб беришни сураш-
ган. Бу жарима аҳоли
тичилигини бузган са-
молетларнинг шовқин-
сирини эвазига талаб
қилинган экан. АҚШ
ҳарбий базаси вакили
Йокоталиклар даъво-
сини тўғри деб топиб
йилига бу ерга 12
минг марта самолёт-
лар қўйиб учушини
тасдиқлаган. Бирок,
жарима тўланмаган.

Турмуш «тақозоси»

Америка ешлари ўр-
тасида инноватчилик
тўғрисида ортиб бормо-
қда. Пенсильвания
университети кримина-
листика профессори
М. Уолфгангнинг тад-
қиқотлари шундан да-
лолат беради. Унинг
маълумотларига кўра,
ешлар қилаётган ўта
хавфли жиноятлар со-
ни кейинги 10 йил мо-
байнида қарийб 70
процент қўпади. М.
Уолфганг айтганидек,
хукуқларни бузиш
миқдори ортиб бораёт-
ганлиги АҚШ шаҳар-
ларидаги ешларнинг
турмуш шароитлари
ҳаддан ташқари ёмон-
лиги билан бевосита
боғлиқдир.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ
БЕЛОҚОШ

4 МАРТ, 1983 й.



1. ЧОЧ ВА ШОШ—

ҚАДИМИЙ ТОШКЕНТ

Шаҳарнинг пайдо бўлиш тарихидан лавҳалар

Хўрматли редакция! Тошкент шаҳрининг кўна тарихига эга,
Дастлаб шаҳар қаерда пайдо бўлган, шу ҳақда тўлиқроқ
маълумот берсангиз. Бу кўпларни қизиқтирс керак.

Зиёвуддин АҚРОМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси география бўли-
мининг мудири, география фанлари доктори, профес-
сор.

Шаҳримиз қадимда турли номлар билан айтиб келинган!
экан. Тошкент номи қачондан қўлланган!

Турсунот АСИМОВ,
Тошкент шаҳринида бог-роғлар, қишлоқ хўжалиги ва су-
ғориш тармоқлари қандай бўлган!

Ҳикматулла ПАРПИЕВ,
Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институ-
тининг студенти.

Ўзбекистонда, Тошкент шаҳри ва
унинг атрофида олимларимиз олиб бо-
раётган археологик тадқиқотлар кўлами
катта. Шунинг қувонч билан айтаемизки,
ана шу тадқиқотларни баҳолашда, ай-
ниқса жонажон Тошкентимизнинг ёшини
тасдиқлашда москвалик ва ленинград-

лик олимлар, шу жумладан академик
Борис Александрович Рибаклов ва про-
фессор Вадим Михайлович Масонлар-
нинг бебаҳо хиссалари бор. Ўзбекистон
археологлари улардан чексиз миннат-
дор.

Чирчиқ водийсининг
серунов ва обод мар-
казий қисмига жойлаш-
ган ҳозирги Тошкент
Ўрта Осиёда қад кў-
тарган қадимий шаҳар-
лардан бири бўлиб, у
икки минг йиллик тар-
ихига эга. Ўзининг йи-
гирма асрлик ўтмиши-
да бу кўна шаҳримиз
боқинчиларга қарши
олиб борилган не-не
жангуд жаддаларини,
не-не ўзаро қонли уруш-
лар-у қўғуллонларни
қурмаган дейсиз. Не-
ча бор шаҳар байрон бў-
либ, яна қайта-қайта
қад кўтарди. У неча
бор қайта тикланиб,
номи ҳам бир неча
марта ўзгарди.


Хўш, бу кўна ша-
ҳарининг бинолари илк
бор ҳозирги Тошкент
территориясининг қай-
си қисмида қад кўтар-
ган? Бу ерда шаҳар
маданиятининг шаклла-
ниб, ривожланишининг
боиси нима? Аввало
шунинг айтиш керакки,
ўлкада илк шаҳар ма-
даниятининг шаклла-
ниб, шаҳарларнинг қад
кўтаргани шу ўлкада
яшаган қадимги чорва-
дор ва деҳқон аҳолиси-
нинг иқтисодий, итти-
соий ва маданий ҳаё-
тидаги улкан тарихий
жараён бўлиб, бу шуб-
ҳасиз ўлканинг ўзлаш-
тирилиб одам этилиши,
айниқса унда чорвачи-
лик ва деҳқончилик хў-
жаликларининг ташкил
топиши, ҳунармандчи-
лик, ички ва ташқи
савдонинг ривожлани-
ши тарихи билан ўз-
вий боғлиқлиги кетди.

I. Тошкент воҳасида ибтидоий маданият излари

Маълумки, Тошкент
воҳасининг табиати
муътадил иқлими-ю,
ранго-ранг ўсимлик
ҳамда ҳайвонот дунёси
жуда қадим замонлар-
данқ бу ўлкада одам-
зоднинг яшаш ва ўз-
вий маданиятини яра-

тиши учун жуда қулай
бўлган. Кейинги 20
25 йил давомида Тош-
кент облатининг тур-
ли районларида археоло-
гик олимларимиз томо-
нидан палеолит (қадим-
ий тош) даврига ман-
суб ўндан ортиқ нодир
археологик ёдгорлик-
лар топилиб ва текши-
рилди. Булар тоғ да-
ралари бўйлаб жойлаш-
ган гор ва унгуларлар,
иарқилар ёқисида
барпо этилган ибтидоий
одамларнинг манзилгоҳ
ва маконлари, тоғлар-
дан қамқотқотлар син-
дириб олган илк уста-
хоналари, қоятошларга
битилган петроглиф —
суқулган суратлар ва
бошқалардан иборат бў-
либ, улар Тошкент во-
ҳасидагина эмас, балки
бутун Ўрта Осиёда
яшаган энг қадимги
одам ақдодлари ҳаёти-
ни, унинг яратган иб-
тидоий маданиятини
ўрганишда нодир ва
қимматбаҳо манба ҳи-
собланади. Бу ёдгор-
ликлар орасида энг қа-
димийси Охангарон
шаҳри яқинида, Қизил-
олмасой ёқисида, жой-
лашган Қўлбулоқ ма-
конидир. Бу ёдгорлик
бир неча юз минг йил
давомида ибтидоий
одам тўдалари яшаган
бошланғич қолдиқла-
ри бўлиб, у 1963 йил-
дан бери палеолитчи-
нос олим Мирвоҳид
Қосимов томонидан
қазилиб ўрганилмоқда.
Бу ибтидоий макон
минг йиллар давомида
ҳосил бўлган 20 метр-
ли қалин маданий қат-
ламдан иборат бўлиб,
ундан қайроқ ва чақ-
моқ тошлардан ясалган
юз мингдан ортиқроқ
тош қуроллар, гулҳан
излари, турли хил ҳай-
вонларнинг минералла-
шиб кетган суяк бўлак-
лари топилиди.

Қўлбулоқ макони-
нинг юқори қатлами-
дан чиққан ашёлар асо-
сан ўрта тош даврига
тааллуқли бўлса,
унинг остки қат-
ламларидан қовлаб
олинган қўпол тош
қуроллар илк тош да-
врига мансубдир. Бу
топилаётган асосла-
ниб ёдгорлигининг паст-



ТЕАТР

НАВОНИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/III да Севги ҳақида афсона, 5/III Травната, 6/III да Золушка, (12.00). Пиновал дама (19.30).

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/III да Ҳар тўнисида бир айб, 5/III да Қиёмат қарз, 6/III да Бой ила хизматчи.

МУҚИМНИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/III да Тошкентнинг изозини ма, ликаси (16.00), 5/III да Хотиннинг эри, 6/III да Тўйдан олдин томоша.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА «Аралаш ҳайвонлар гуруҳи» ат- транционининг гастроллари (17.30)

КИНО

4 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ТРОКАЧ» — Санъат саройи (16, 18.45, 20.30), теле- фон 44-21.74.
«Чайна» (16, 18.30, 21.30, телефон 77.06.20).
Тошкент Советининг 50 йиллиги номи (16, 18.30, 21.00, телефон 78.47.25). Нукус (16, 18.30, 21.00, телефон 48.70.69). Қозоғис- тон (17, 20.00; 15, 18, 21.00 теле- фон 35.24.92). Дружба (17, 20.00; 15, 18, 21.00, телефон 66.15.75).
«36,80 КВАДРАТИДАГИ ХОДИ, СА» — Тинчлик (жуфт соатларда, телефон 53-86.07).
«СЕВАНГ СЕВАВЕР, АММО АҚЛИНГИН ЙЎҚОТМА» — Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61). Ўзбекистон ССРнинг 25 йил, лиги номи (тоқ соатларда, теле- фон 33.65-87).
«ВУТПАРАСТ СОХИБЖАМОЛ» —

Москва (тоқ соатларда, телефон 33.05.01).
«ТУРМУШ ҚУРАЙЛИК» — Искра (жуфт соатларда, телефон 39.14-59).
«ЎЗ ИХТИЕРИ БИЛАН СЕВИВ ҚОЛДИ» — ВЛКСМнинг 30 йилли- ги номи (жуфт соатларда, теле- фон 33.44.52).
«ПАРВОЗДАГИ ЎЛИМ» — Лису- нов номи (17, 20.00, те- лефон 96.34.02).
«ҚОРАЙЛОҚЛАР» — Ҳамза номи (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).
«ТЕХРОН» — 43 — С. Раҳимов номи (15, 18, 21.00, телефон 48-46.71).

5 МАРТДА

«ТРОКАЧ» — Санъат саройи (11, 13.30, 16, 18.15, 20.30), теле- фон 44.21.74).
Тошкент Советининг 50 йиллиги номи (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 78.47.25). Нукус (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 48.70.69). Қозоғис- тон (11, 14, 17, 20.00; 12, 15, 18, 21.00; телефон 35.24.92). Дружба (11, 14, 17, 20.00; 12, 15, 18, 21.00, телефон 66.15.75).
«36,80 КВАДРАТИДАГИ ХОДИ, СА» — Тинчлик (жуфт соатларда, телефон 53-86.07).
«СЕВАНГ СЕВАВЕР, АММО АҚЛИНГИН ЙЎҚОТМА» — Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61). Ўзбекистон ССРнинг 25 йил, лиги номи (тоқ соатларда, теле- фон 33.65-87).
«БУТПАРАСТ СОХИБЖАМОЛ» — Москва (тоқ соатларда, телефон 33.05.01).
«ТУРМУШ ҚУРАЙЛИК» — Искра (жуфт соатларда, телефон 39.14-59).
«ЎЗ ИХТИЕРИ БИЛАН СЕВИВ ҚОЛДИ» — ВЛКСМнинг 30 йилли- ги номи (жуфт соатларда, теле- фон 33.44.52).
«ПАРВОЗДАГИ ЎЛИМ» — Лису- нов номи (11, 14, 17, 20.00, те- лефон 96.34.02).
«ҚОРАЙЛОҚЛАР» — Ҳамза номи (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).
«ТЕХРОН» — 43 — С. Раҳимов номи (15, 18, 21.00, телефон 48-46.71).

БАЙРАМ АРАФАСИДА БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА



Бош универсал магазини байрамолди савдоси кунларида ай- ниқса гавжум. Харидорлар эса, асосан, эркаклардан иборат. Бу табиий: 8 Март — хотин-қизлар байрами яқинлашмоқда. Чин қўнгилдан ҳаёда этилган камтарин ёдгорлик ҳам қим- матли совғалардек қувонч бахш этади.

Авалло, ёдгорликлар бўлимига киришни тавсия этамиз. Бу ерда металл чеканаси, ёгондан ишланган ёдгорликлар (ўйиб ишланган фигуралар, шахматлар, шашкалар, қошиқлар, патис- чар, рўзор буюмлари ва б.ш.), суяк ёдгорликлар, сопол лаган- лар, пиёлалар, косалар, миллий патисчар мавжуд.

АТИР-УПАЛАР, КРЕМЛАР, ЛАБ БУЁҚЛАРИ — АЕЛ- ЛАР ГЪЗАЛЛИГИНИНГ ҲАМРОҲИДИР.

Атирларнинг ҳамма учун — ёшлар ва каттароқ ёшдагилар, оқ-саридан ва қорачадан келган хотин-қизлар учун мос кела- диганини парфюмерия-косметика бўлимидан танилаб олишингиз мумкин.

Ўзининг оммавийлигини ўн йиллар давомида йўқотмаган ва кўпчилиққа ёқадиган атирлар мавжуд. Яқин вақтларда ишлаб

чиқарилган ва мутахассисларнинг фикрича узоқ муддат давоми- да кенг шуҳрат қозондирган атирлар ҳам бор. «Русские узоры», «Знакомый образ», «Шарм» набила шулар жумласига ки- ради. Лаб бўёқларининг қай бирини харид қилиш лозим. «Елена» га эътибор беринг. Совет-Франция қоллоқлари тайёрлаган бу момада кўпгина афзалликларга эга. Уларнинг асосийси — тус- ларининг турли-туманлиги, ёқимли ва нафис бўёғи, ажиб таро- ватдир (уларнинг асоси пальма атиргул, апельсин, неран мо- йдан иборат).

Олтин ва кумушдан ишланган заргарлик буюмлари ниҳоятда нафис ва кўркамдир. Узуклар, сиргалар, тўғноғичлар, занжир- лар, соч қистирмалари — аёлларнинг сеvimли безакларидир. Ҳозирги вақтда кумушдан ишланган буюмлар доғ тарат- моқда. Ҳақиқатан ҳам нозик заргарлик ишининг маҳсули бўл- ган кумуш тақинчоқлар ўз гузаллигига кўра олтин тақинчоқлар билан баҳслаша олади.

Мунчоқларга эътибор беришингизни маслаҳат қиламиз. Та- биий тошлар — аметист, ёқут, коралл, агат, топаз, сердолик, кадетидан ишланган мунчоқлар, айниқса, гўзал. Бу мунчоқлар- ни моҳир ҳинд усталари ишлаганлар.

СИЗГА ҚАНДАЙ СУМКА КЕРАК?

Чарм-галантерей бўлимида сиз исталган ҳоллар учун — кун- далик рўзғорга мос — унча катта бўлмаган, театрда бориш учун ихчам, командировка ва отпускарларга олган вақтлар учун катта, ҳўжалик сумкаларини танилаб олишингиз мумкин.

Мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган узун тасмали, «молия» илгалли, турли моделдаги, ранг-баранг чарм ва сунъий чармлардан ишланган сумкалар исталган дидда мос тушади.

РЎМОЛ — АЖОИИБ ТУҲФА

Шуни ёдда тутингки, буюмларимиз унча катта ва ёрқин рангларда бўлмаган рўмоллар ўрашни ёқтиришади.

Ранг-баранг рўмоллар ичиде сиз албатта буюнгизга ёқадиган камтарин, аммо чиройли рўмолни топасиз. Ёшроқ аёлларга эса ёрқин, рангдор рўмол олинг.

Қийқ рўмол қайлигининг баҳорги либосига модага хос қўшимча бўлади.

Қийқ рўмол ва рўмолларнинг тури кўп — шойдан, крепе- шин, селон, нейлон, штапель ва жундан тўқилган рўмоллар мавжуд.

ГУМ.

БИЛЛУР- ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЁҚИМЛИ СОВҒА

Биллурдан чиройли қилиб ясалиб, ойнадек ялтираб ту- рувчи нақшдор безакли, олмос қиррали буюмлар чи- накам санъат асарларидир.

Марказий универмагининг нуношта столини безайдиган буюмлар бўлимида биллур гулдонлар, қандолат идиш- лари, фужерлар, стаканлар, шиша графинлар, шарбат ва сув учун стаканлар, қадаҳ- лар, шунингдек совғабоп бу- юмлар харид қилиш мумкин.

Атир-упа — ҳар бир аёлга, ҳар кун керак. Атир, упа, крем, лаб бўёғи аёллар кўр- кига кўш қўшади. Қайси аёл хушрўй бўлишни хоҳла- майди.

Марказий универмагининг ҳар учала қаватида жойлаш- ган парфюмерия-косметика моллари секцияларида тери- ни парвариш қилиш восита- лари, чирой косметикаси, сочи парвариш қилиш воси- талари, уфурли атирлар бор.

ҚАЙСИ АТИРНИ ТАНЛАШ КЕРАК?

«Ритм», «Таниш қиёфа», «Бир дафъа» атирлари — қорачадан келган хотин-қиз- ларга мос. Оқ-сарик хотин- қизларга эса «Урмон марва-

рид гули», «Оқ сунбул», «Кумушранг марварид гул», «Лола», «Қизил гул» синга- ри майин ва хушбўй атирлар тавсия этилади.

ГУЛЛИ КАШМИР РЎМОЛ

Москва яқинидаги Павлов-Посад шаҳрида тўқилган рўмол- лар доврўғи оламга машҳур. Агар мовий тусда ёрқин гуллар акс эттирилган кашмир рўмол елкага ташлаб юрилса чиройли ва жозибали кўринади. Бундай рўмоллар совуқ кунларда энг яхши мўйна ёки тўқима қалпоқ ўрини босади. Бўйинга ўра- сангиз шарф ўрнига ҳам ўтади. У ҳарқандай шаронгта ҳам ис- сиқ тутати, ҳам кўрк бағишлайди. Кашмир рўмолдан чиройли кўйлак тикиш мумкин.

Марказий универмагда Павлод-Посад, Чоржўй, Ленинградда тайёрланган жун ва ярим кашмир рўмоллар, шунингдек селон, ацетат, табиий шойи ва капрон дурра ва рўмолчалар сотиб олиш мумкин.

БУ БУЮМЛАР ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН 8 МАРТ БАЙРА- МИГА АЖОИИБ СОВҒА БЎЛИШНИ МУМКИН.

БАЙРАМОЛДИ САВДОСИ КУНЛАРИ МАРКАЗИЙ УНИ- ВЕРМАГГА ТАШРИФ БУЮРИНГ.

Марказий Универмаг соат 9.00 дан 21.00 гача ишлайди.

ЦУМ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифок бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги



4 МАРТ — ЖУМА
Марказий телевиденининг «Восток» программаси

19.00 Мультифильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Виз ВАМНИ кўришимиз». 20.05 «Революция кўйичси». «Оловий йўллар» тур- кумидан кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 4. серия. 21.30 «Время». 22.05 «Тев- тр учрашувлари». 23.35 «Дунё воқеалари».

Марказий телевиденининг иккинчи программаси

18.30 Янгиланлар. 18.50 «Дўст- лик» кубоги учун оғир атлетика бўйича халқаро мусобақалар, Одессадан олиб кўрсатилади. 19.30 «Савҳатчилар клуби». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкин- тойлар». 20.45 Грузия ССР халқ артисти М. Яппили чалади (скрипка). 21.00 Мотоцикл бўйича Бутуниттифок мусобақалари. Ковровдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Иккинчи муҳаббат». Вадий фильм (ГДР). 23.10 «Дўстлик» кубоги учун оғир атлетика бўйича халқаро мусобақалар. Одессадан олиб кўрсатилади. 23.50 В. Астафьев «Нўпон ва чўпон қиз». 00.40 Тен- нис. «Дэвис» кубоги. 00.50 СССР Франция терма командалари В. И. Ленин номи Марказий стадионининг Кичик спорт майдо- нидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевиденисининг программаси

18.00 Кўрсатувлар програм- маси. 18.05 «Чип саргузаш- ти». «Нега филдер». Мультифильм- лар. 18.40 «Илмий-техника тарақ- қиети ва ёнгилар муаммоси». Кўрсатувда Ўзбекистон ССР «Гос- строй» раиси В. С. Сирёбнев иш- тирок этади (рус.). 19.15 «Рапсон спорт гектарлари». Хўжонатли фильм премьераси («Ўзбектеле- фильм»). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ваҳа». Ёшлар учун акло- ний эркин мавзуда кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон те- левидениси ва радиоси астрад- симфоник оркестрининг концер- ти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 23.35 Экранда кинокомедия — «Омидли яқноб- лар» (рус.).

5 МАРТ — ШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Моҳир кўл- лар». 10.10 «Спортлото»нинг 10- тиражи. 10.20 Горький шаҳар «Победа» Маданият саройи халқ чоғу оркестрининг концерти. 10.50 «Революция кўйичси». «Оловий йўллар» туркумидан кўп сериали телевизион бадий фильм. 4-серия. 12.10 Янгиланлар. 13.00 Янгиланлар. 13.20 8-Март халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган телевизион... хўж- натли фильмлар. 16.25 Марказий телевидени ва Бутуниттифок радиосининг РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Мейсчерин раҳбарлигидаги алектр.музика чоғу ансамблининг концерти. 16.50 «Жоили хотира». Хўжнатли фильм (Волгари). 17.35 «Подмос- ковье кишлоғининг бугунги ва эртанги кун». 18.05 «Сеvimли аёллар» Фильм-концерт премьераси.

19.10 «Дунё воқеалари». 19.25 «Смирнов киноди». 19.55 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ. ГА БАҒИШЛАНГАН ТАНАТАЛИ ИЙГИЛИШ ВА КОНЦЕРТ. ССР Итти- фори Давлат академик Волшой театридан олиб кўрсатилади. Та- наффус пайтида — «Время». Кўрс- тув тугатган — «Рус музейи». Рус халқатариошлиги.

Марказий телевиденининг иккинчи программаси

18.30 Янгиланлар. 18.50 «Дўст- лик» кубоги учун оғир атлетика бўйича халқаро мусобақалар, Одессадан олиб кўрсатилади. 19.30 «Кампучия чорраҳаларида». Теле- визион хўжнатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкин- тойлар». 20.45 РСФСР Давлат ду- ховий оркестрининг концерти. Кўрсатув тугатган — «Время». 22.05 «Тўйдан олдинги тўй саё- ҳати». Телевизион бадий фильм премьераси 23.10 Тенис. «Дэ- вис» кубоги. СССР — Франция терма командалари. В. И. Ленин номи Марказий стадионининг Ки- чик спорт саройидан олиб кўр- сатилади.

Ўрта Осие темир йўлининг мактаблар бўлими ҳамда А. Аллоний номидаги 40-ўрта мактаб ўқитувчилар коллекти- ви шу мактаб ўқитувчилари Абдукарим ва Абдувалик Аб- дурахмоновларга унаси

Абдувалик

ТОНИБОВНИНГ

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдири- ди.

«Таштестильшвейтор» кол- лектив тўғрисида собик дирек- тори Х. Х. Ингомовага онаси

Мархаматхон

УМАРОВНИНГ

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия иҳор қи- лади.

Ўзбекистон ССР Гуш ва сўт саноати министрлигининг

марказий конструкторлик ло- яихлаш-технология бирои коллективни бўлини мудир

нинг ўринбосари М. Абдухал- ловага онаси

Мастура

МУСТАҚИМОВНИНГ

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия иҳор қи- лади.

4 ТОШКЕНТ

БЕЛ.ОКШОМ

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ»

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

— орган Ташкентского горкома КП

Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин

кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-83; курилиш, 32-58-85; шаҳар

хўжалиги — 32-57-83; совет курилиш ва хўсуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юрти — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлиги

ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; тўлган бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-73-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-83; курилиш, 32-58-85; шаҳар

хўжалиги — 32-57-83; совет курилиш ва хўсуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юрти — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлиги

ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; тўлган бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-73-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.